



“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қурилиш бўйича ИК” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 10 июндаги 265–сонли хатингизга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги “Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-271 сонли қарори асосан, Фурқат тумани Томоша МФЙ ҳудудида жойлашган ёшлар саноат ва тадбиркорли зонасини ичимлик ва оқава сув билан таъминлаш мақсадида қуйдаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик суви бўйича:

Фурқат тумани Томоша МФЙ ҳудудида жойлашган ёшлар саноат ва тадбиркорли зонасини кунлик сарфи $12 \text{ м}^3/\text{сутка}$ ичимлик сув билан таъминлаш учун уланиш нуктаси: Томоша МФЙ ҳудудидаги мавжуд ичимлик сув кудуғини реконструкция қилиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, 1 дона сув минораси ўрнатиш, UZSUVTAMINOT логотипини бўяш, лойиха асосида ТП ўрнатиш ва икки томонлама электр энергия тармоғи тортиш, замонавий сув ва электр хисоблагичлар ўрнатиш, автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (поплавок) ва электр авария генератори ўрнатиш, лойиха асосида ичимлик сувини зарарсизлантириш биноси қуриш ва лойихага мос ускунаси ўрнатиш ҳамда жами узунлиги 0,5 км ичимлик сув қувури лойиха асосида қувур диаметри ва ер сатҳи чуқурлиги аниқланиб замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиниши ҳамда ичимлик сув иншооти худуди ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда ўралиши ва видеокузатув ва ёритиш тизимлари қуриш шарт.

Оқава сув бўйича:

Фурқат тумани Томоша МФЙ ҳудудида жойлашган ёшлар саноат ва тадбиркорли зонасини оқава сув тизимига уланиш нуктаси: Томоша МФЙ ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси худудига лойиха асосида локал оқава сув тозалаш иншооти (ЛОС) қуриш ва оқава сув тармоқларини монтаж қилиш ишлари ШНК, ҚМҚ, СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши талаб этилади.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқа) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда амалга оширилиши ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқова сув лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда ушбу лойиха смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатиغا эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бешлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
бош муҳандиси:

И.Абдуллаев

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
ИЧБ бошлиғи:



С.Абдуллаев